Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
TÚRKISTAN
Жанубий Қозоғистон
janubiy.kz
1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади
2024 йил 27 февраль, сешанба, №24 (3370).

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



## ДАВЛАТ РАҲБАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД РАИСАСИ ЭЛЬВИРА АЗИМОВАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Эльвира Азимованинг гапларига кўра, ўтган йили Конституциявий судга 5000дан зиёд мурожаат келган.

Фуқаролар ўз мурожаатларида суд ҳужжатлари, мансабдор шахслар ва судьялар ҳаракатларининг ноқонунийлиги, жиноий жазо турлари ва шартлари, жиноий жавобгарликка тортишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўтардилар. Конституциявий суд фаолияти доирасида фуқароларга кафолатланган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шартлари, шунингдек, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолияти доирасида суд амалиётини такомиллаштириш борасидаги таклифлар Парламент Мажлисида кўриб чиқилмоқда.

Президент Конституциявий суднинг 2023 йилдаги фаолиятига баҳо берар экан, мазкур идоранинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти жамият ва давлатнинг Қозоғистон Республикаси Конституциясига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда давлат ва жамият талабларига жавоб бериши зарурлигини таъкидлади.

**Akorda.kz.**



## ПРЕЗИДЕНТ МИЛЛИЙ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Давлат раҳбари Қувайт Давлати Амирига табрик шошилинчномасини йўллади. Қ. Тўқаев Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номидан шайх Мишал ал Аҳмад ал Жобир ас Сабоҳ ва Қувайт халқини Миллий байрам билан табриклади.**

«Тинчлик ва осойишталикни бунёд этган юртингиз келажакда ҳам юксалиш ва тараққиёт йўлида юксак марраларни забт этишини тилайман. Биз Қувайтни Қозоғистоннинг араб оламидаги ишончли ва муҳим ҳамкорларидан бири деб биламиз. Мустаҳкам дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлигимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан жадал ривожланиб боришига ишончим комил", дейилади табрик матнида.

Давлат раҳбари Қувайт Амирига фаолияти ва барча ташаббусларида улкан муваффақиятлар, қардош Қувайт халқига эса фаровонлик ва равнақ тилади.

**Akorda.kz.**

## БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ – БОШ МЕЗОН

### ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ЎҚУВЧИЛАРГА ДАРС ВАҚТИДА ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ

**Давлат раҳбари "Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таълим, тарбия ва болалар хавфсизлиги масалалари бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҚР Қонунини имзолади.**

Қонун матни матбуотда эълон қилинади.

Сенат мажлисида "Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таълим, тарбия ва болалар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни маъқулланди.

Қонун Парламент депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилди.

Ҳужжатни қабул қилишдан асосий мақсад – етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришдан иборат.

Бундан ташқари, болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари деразаларини ҳимоя қулфлари билан таъминлаш мажбурияти тўғрисидаги қоида жорий этилади.

**24.kz.**

## КЎПКАРИДА ОТ МИНИБ, ЧОПАР ЙИГИТ ШУНҚОРИ...

**Ўтрор тумани ҳокими Сакен Султанханов туман кўпкари федерацияси раиси ва чавандозларини қабул қилиб, туманда от спортини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.**




Йиғилишда туман раҳбари миллий спорт турини улуғлаётган чавандозларни Туркистон вилояти биринчилигида ғолиб чиққани билан табриклади.

– Вилоятда чавандоз ёшлар сафи кенгаймоқда. Ёшларнинг спортнинг ушбу турига қизиқиши ортиб бораётгани бу борада амалга оширилаётган ишлар самараси, деб биламан. Бу ёшларимизни ёт хатти-ҳаракатлардан йироқлатиб, куч-ғайратини фойдали фаолиятга йўналтириш имконини беради. Шу муносабат билан туманда от спортига алоҳида эътибор қаратиб, кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш зарур, – деди туман ҳокими.



Кўпкари федерацияси раиси Жумабай Сарсенбаев от спортини ривожлантириш борасидаги режалари билан ўртоқлашар экан, бу борада амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталди.

Йиғилишда туман ҳокими миллий спорт турларимиз ривожига ҳисса қўшган бир гуруҳ фуқароларни ташаккурнома ва совғалар билан тақдирлади.

Туркистон вилояти миллий спорт турларини ривожлантириш бўйича республикада етакчи. Вилоят чавандозлари Жаҳон кўчманчилар ўйинларида иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## "ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ" ИСТИҚБОЛЛАРИ ВАЗИРЛИК ЭЪТИБОРИДА



**Туркистон шаҳридаги "Буюк Дашт эли маркази" музейида Қозоғистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари Алибек Жамауов вилоят аҳолиси билан учрашув ўтказди. Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов олиб борди.**

– Туркистон вилояти йирик миқдорда қайта тикланадиган энергия салоҳиятига эга минтақа. Бугунги кунда вилоят қайта тикланадиган энергия манбалари қуввати бўйича республикада биринчи ўринда. Вилоятда умумий қуввати 278 МВт бўлган 21та муқобил электростанция мавжуд. Унинг таркибига 16 МВт қувватга эга 8та қуёш электр станцияси ва 262 МВт қувватга эга 13та конденсация электр станцияси киради. 2025 йилгача 48 МВт қувватга эга 7та иншоот қуриш режаланмоқда, – деди у.

Алибек Жамауов вазирлик томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилиб, галдаги режалар билан ўртоқлашди. Ёқилғи-энергетика мажмуасидаги мавжуд вазият ва вилоятни газлаштириш муаммоларига тўхталди.

– Қуёшли кунларга бой мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш стратегиялари энди ишлаб чиқилмоқда. Гарчи, ҳозир қайта тикланадиган энергетика технологиялари учун харажатлар миқдори энергия олишнинг анъанавий технологиялари сарф-харажатларидан анча ошсада, бугунги кунда улардан фойдаланиш экологик жиҳатдан ҳам, иқтисодий ҳамда ижтимоий нуқтаи назардан ҳам ўта муҳим. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда энергия самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш жараёнини жадаллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади, – деди вазир ўринбосари.

Энергетика вазири ўринбосари Алибек Жамауов ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов йиғилишда кўтарилган барча масалалар баённомага киритилиши ва қонун доирасида тегишли чоралар кўрилишини маълум қилди.

Учрашув сўнггида А. Жамауов аҳолини шахсий масалалари юзасидан қабул қилди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**



## ОРОЛ ДЕНГИЗИГА – 10 000 ТУП САКСОВУЛ

**«Syr qorǵany – sekseýil» кўнгиллилар лойиҳаси доирасида 1-3 март кунлари Орол денгизи экотизимини тиклаш борасида уч кунлик тадбир ўтказилади.**

Лойиҳадан мақсад – Орол денгизининг қуриган тубига 10 минг туп саксовул кўчатларини ўтқазиш орқали экологик офат ҳудудининг экотизимини тиклаш.

Экологик лойиҳа тупроқ эрозиясининг олдини олиш, туз ва қумнинг бутун дунё бўйлаб ёйилишини тўхтатишга қаратилган.

**24.kz.**

● Обуна–2024

*Қадрли газетхон!*

*"Жанубий Қозоғистон" рўзномасига обунанинг йил бўйи давом этишини маълум қиламиз.*

*Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.*

*Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.*



**6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲЖ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге; Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466**

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

# СПОРТГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Вилоятда жами 3814та спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, унинг 2673таси таълим муассасаларида, 3056 иншоот қишлоқларда (80 фоиз), 758 иншоот шаҳар ҳудудида (20 фоиз) фаолият юритмоқда. 2023 йил якунига кўра, 1000 кишига нисбатан спорт инфратузилма билан таъминлашнинг ҳисобий кўрсаткичи 38,4 фоизга етди (режа 31 фоиз). Бироқ бу йўналишдаги тадбирларни кучайтириш зарур. Мазкур масала вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган йиғилишда муҳокама қилинди.**



Минтақа раҳбари олимпиада спорт турларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратиб, замонавий спорт мажмуаларини барпо этишни топширди. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси раҳбари Қанат Жўлдиқараевнинг айтишича, 96та қишлоқда спорт иншоотлари йўқ. Талабга жавоб бермайдиган спорт иншоотлари ҳисобдан чиқарилмоқда.

Мажлисда ҳалқаро талабларга жавоб берадиган отчопар ҳамда Бекзат Саттарханов номидаги спорт мажмуасининг қурилиши ҳам муҳокама қилинди. Отчопарда спортни ривожлантириш, йирик беллашувлар, пойгалар, кўпкари ўтказиш учун барча шароитлар яратилади.

# ХУСУСИЙ МАКТАБЛАР СОНИ КЎПАЯДИ

**Вилоятимизда мактаб тақчиллигини бартараф этиш мақсадида махсус режа тузилиб, масала босқичма-босқич ҳал қилинмоқда. Бу ишга тадбиркорлар ҳам ҳисса қўшиб, хусусий мактаблар барпо этишмоқда. Лекин аксарият ҳолларда бинокорларга қўйиладиган тартиб ва талаблар инобатга олинмайди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев раислигида ўтган мажлис таълим соҳасига хусусий сармоя жалб қилиш масалаларига бағишланди.**



Унда тадбиркорларга мактаб барпо этиш тартиблари юзасидан маълумотлар берилди. Тадбирда вилоят "Атамекен" тадбиркорлар палатаси директори Асилан Ибадуллаев, мутасадди департамент ва бошқарма раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Минтақада таълим инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2023-2025 йилларда 100тага яқин мактаб барпо этилади. Улар "Таълим инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш" жамғармаси, Президент топшириғига кўра амалга оширилаётган "Қишлоқ – юрт бешиги" дастури ва бошқа трансфертлар орқали амалга оширилади. 2023 йилда 35та нодавлат мактаб фойдаланишга топширилди. Натижада вилоятимиздаги хусусий мактаблар сони 137тага етди. Бу борада тадбиркорларнинг ҳиссаси салмоқли. Лекин "Бадастир мактаб" қошида нодавлат мактаб барпо этиш самарасиздир. Хусусий мактабларни таълим масканлари етишмайдиган, чекка қишлоқларда қуриш мақсадга мувофиқ бўлади, – деди Бейсен Тажибаев.

Тадбиркорлар палатаси таълим ва тиббиётни ривожлантириш қўмитаси мажлисида умумтаълим дастурлар атрофлича муҳокама қилинди. Бундан ташқари, оммабоп ва бепул хизматларни уюштириш ва уни лицензиялаш ишлари борасида ҳисобот берилди.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг топшириғига мувофиқ, хусусий сармоя ҳисобидан 300 ўрингача мўлжалланган мактаблар қуриш кўзланган.




# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ЭЪТИБОРДА

**Байдибек туман прокуратурасининг ташаббуси билан таълим муассасаларида юритилган текширув натижалари ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўналишида кенгайтирилган тартибда мажлис ўтди.**

Тадбир Давлат раҳбари, бош прокуратура ва вилоят прокуратураларининг топшириғига мувофиқ амалга оширилди. Мажлисда туман ҳокимининг ўринбосари, бўлим раҳбарлари ҳамда қишлоқ ҳокимлари, санитария-эпидемиология назорати бошқармаси, туман марказий касалхонаси, полиция, фавқулодда вазиятлар ва таълим бўлимининг раҳбарлари, мактаб директорлари ва ўринбосарлари иштирок этди. Кун тартибида прокуратура текширувлари натижаси билан киритилган 270дан зиёд ҳуқуқбузарликни бартараф этиш, вояга етмаганларни сифатли таълим, хавфсиз ва бадастир мактаб билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

# ТУРКИСТОН МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ – ФРАНЦИЯ САҲНАСИДА

**Туркистон мусиқали драма театри ўз репертуаридаги саҳна асарлари билан бирқанча мукофотларга сазовор бўлган. Ермек Аманшаевнинг «Қорқыт туралы аңыз» ўзгача жанрдаги саҳна асари шулар сирасидан.**

Ушбу спектакль Қозоғистоннинг Франциядаги маданият кунлари доирасида Бельфор давлат театрида намойиш этилади. Бугунги кунда театр ходимлари сафарга тайёргарлик кўришмоқда.



## ҚР АЗАМАТТЫҚ КОДЕКСІНІҢ 49-БАБЫНЫҢ ТАЛАПТАРЫНА ЖӘНЕ ҚР «САЛЫҚ ЖӘНЕ БЮДЖЕТКЕ ТӨЛЕНЕТІН ТӨЛЕМДЕР» ТУРАЛЫ КОДЕКСІНІҢ 93-БАБЫНА СӘЙКЕС, САЛЫҚ ТӨЛЕУШІЛЕРДІҢ ҚЫЗМЕТІН МӘЖБҮРЛІ ТӘРТІППЕН ТАРАТУҒА ЖАТАТЫН ЗАҢДЫ ЖӘНЕ ДАРА КӘСІПКЕРЛЕРДІҢ ТІЗІМІ:

| № | ИИН/БИН (01/01/2024) | Ф.И.О. |
|---|---|---|
| 1 | 930331301666 | Махашов Алмас Есбергенұлы |
| 2 | 790927302316 | Ердасов Мурат Джаксыбаевич |
| 3 | 740904401796 | Абдраимова Зумрат Мухамаджановна |
| 4 | 790719301822 | Джусипов Аскар Орынбасарович |
| 5 | 861216302795 | Утебаев Жасулан Сарсенбекович |
| 6 | 940827300775 | Қуанышбаев Шоқан Дәуренұлы |
| 7 | 960717400410 | Тотаева Жанат Әбдіқасымқызы |
| 8 | 960513300573 | Ақмырза Қайсар Жанболатұлы |
| 9 | 980622301508 | Абдулла Әлішер Нұрланұлы |
| 10 | 550908402391 | Моминова Ирис Темировна |
| 11 | 900823351285 | Сарсекеев Жарас Сагатулы |
| 12 | 830926302905 | Даданов Якубжан Жапарович |
| 13 | 870609302601 | Калдыбаев Габит Нургалиевич |
| 14 | 790328300700 | Динов Давран Рахимжанович |
| 15 | 740807401095 | Сейтмуханова Сауле Сериковна |
| 16 | 740626402169 | Хамраева Эльмира Абдусаматовна |
| 17 | 950414301442 | Садыков Ерболат Бердібайұлы |
| 18 | 910714301951 | Қалдыбеков Елдос Тағайұлы |
| 19 | 880429302328 | Абдуразаков Бобириддин Тажитдинович |
| 20 | 960922300247 | Қамбарбек Сағихан Құдайбергенұлы |
| 21 | 710324402835 | Аделбаева Амина Рахметуллаевна |
| 22 | 851106402177 | Ибадуллаева Мейрамкул Турмаханбетовна |
| 23 | 840403302666 | Хабибуллаев Шавкат Хабибуллаевич |
| 24 | 700707401400 | Нурумбетова Гулнар Жанузаковна |
| 25 | 861219302355 | Бухарбаев Жумабек Оразбекович |
| 26 | 730315302813 | Тулеуов Турехан Ануарович |
| 27 | 820721402465 | Атажанова Роза Юнусовна |
| 28 | 991015300198 | Кулахымет Бекжан Нұржанұлы |
| 29 | 941123300235 | Дастанов Сәрсенбай Бауыржанұлы |
| 30 | 771117303181 | Мамадалиев Мамаддин Мамасаитович |
| 31 | 790919403129 | Ирисметова Гулрухпари Мирзарахматовна |
| 32 | 740727301311 | Калдыбеков Сабит Устемирович |
| 33 | 870914303152 | Кумисбаев Амирбек Адирбекович |
| 34 | 801210403489 | Каршиева Зухра Джуракуловна |
| 35 | 790129403540 | Юлдашова Ирода Анваровна |
| 36 | 751205301142 | Юсупов Талгат Багдаулетович |
| 37 | 890126302818 | Абдикаримов Жарас Таласович |
| 38 | 010613500403 | Абдулла Нұрбаһ Орынбасарұлы |
| 39 | 820914302650 | Байбориев Амангелді Сейтханұлы |
| 40 | 920218302648 | Көлбаев Жомарт Әбдімәлікұлы |
| 41 | 941113300220 | Әбдіқадыр Бақытжан Қалданұлы |
| 42 | 880531301780 | Сайдганиев Дилмухаммад Мухамматкамильевич |
| 43 | 980625300774 | Хнизов Атилла Исмаилұлы |
| 44 | 161060023438 | Шынбөрі Бауыржан Әсетұлы |
| 45 | 901114300378 | Байдуллаев Сакен Еркинович |
| 46 | 840913301313 | Бабишев Алмурат Бегмуратович |
| 47 | 870815403051 | Ергебекова Айгерим Нысанбековна |
| 48 | 870301403215 | Абдураймова Мадина Ариповна |
| 49 | 891021301079 | Жолшора Жасұлан Жолшораұлы |
| 50 | 790207302728 | Аскаров Галымжан Тулепбаевич |
| 51 | 810703301871 | Нурманов Серик Балтабаевич |
| 52 | 910927302775 | Бальтенов Сұлтанхан Асилханұлы |
| 53 | 920414301823 | Балтабаев Дилшод Рузакулұлы |
| 54 | 880101304251 | Джиеналиев Бекжан Серикбаевич |
| 55 | 920723301090 | Ибадуллаев Дінмұхамед Айдарұлы |
| 56 | 650507401759 | Юнусова Лаззат Айбатуллаевна |
| 57 | 831130300588 | Исроилов Гуломжон Батирович |
| 58 | 610807302030 | Аллабергенов Жумадулла Сайфуллаевич |
| 59 | 960615301020 | Жамбылов Еламан Жамбылұлы |
| 60 | 740619302431 | Аксейтов Нуржан Бакибаевич |
| 61 | 890816302313 | Турсынбаев Алмасбек Курбанбекович |
| 62 | 610418302591 | Карамолдаев Бахыт Жанайдарович |
| 63 | 910424302209 | Момбеков Біржан Жумагельдыұлы |
| 64 | 961016301502 | Анарбек Әділет Қайратұлы |
| 65 | 771003401805 | Якупова Дилафруз Ергешбаевна |
| 66 | 781017402623 | Аллабергенова Мохидил Розбайевна |
| 67 | 940531402035 | Әлжанова Мәдина Бахытқызы |
| 68 | 900101303170 | Әбдуқадыров Талғат Нұралханұлы |
| 69 | 780602402938 | Бабаджанова Гульмира Хабибуллаевна |
| 70 | 800917302168 | Омаров Жандос Дарибекович |
| 71 | 830310303082 | Искаков Ержан Уразбаевич |
| 72 | 750810302481 | Ордабаев Марат Мирзагельдиевич |
| 73 | 740819401269 | Жакипова Алена Викторовна |
| 74 | 890715400780 | Тойбулдинова Айгерим Женисовна |
| 75 | 750818401671 | Оспанова Жанар Төлтайқызы |
| 76 | 700614402403 | Исамова Индира Мырзашовна |
| 77 | 011140004466 | ТОО «КУРБАН и К» |
| 78 | 020240007862 | ТОО «Түркістан ұланы» газеті» |
| 79 | 010640005340 | ТОО «Туркестантрансстрой» |
| 80 | 030940001233 | ТОО «Ломбард Тамерлан» |
| 81 | 030640001341 | ТОО «Ер-Дас» |
| 82 | 050740019986 | ТОО «Темп-Яссы» |
| 83 | 051140004730 | ТОО «Туркестанский мелькомбинат» |
| 84 | 060440009147 | ТОО «Енлик-БНС» |
| 85 | 970240000661 | ТОО «Фирма Салтанат и К» |
| 86 | 071140012933 | ТОО «Микрокредитная организация «Несие-KZ» |
| 87 | 090440004260 | ТОО «Munarlan» (Мунарлан)» |
| 88 | 090842005115 | Туркестанское представительство ТОО «Трианна Тараз» |
| 89 | 100740000967 | Объединение юридических лиц «Производственной Ассоциации Фермерско-Крестьянских хозяйств»-ТҮРКІСТАН ӨНІМДЕРІ» |
| 90 | 110740007966 | ТОО «РАВНАКБАХ» |
| 91 | 120840003334 | ТОО «НұрНұрсәт» |
| 92 | 130640002370 | ТОО «Nur-Asem Export» |
| 93 | 140140026410 | ТОО «АНИПА ҚАЗЫНА» |
| 94 | 140840024231 | ТОО «Nur Geo Zem Proekt» |
| 95 | 150340025471 | ТОО «Нур-Хан LTD» |
| 96 | 150741022714 | Туркестанский городской филиал ТОО «Саулет 2050» |
| 97 | 160140025723 | ТОО «South Kaz Solar Konzortium» |
| 98 | 160441032950 | Филиал ТОО "ALASH Engineering Group" в г. Туркестан |
| 99 | 160840011174 | ТОО «Южная продовольственная компания» |
| 100 | 170240011154 | ОО «Общество инвалидов «Жан Сезім» |
| 101 | 170340018908 | ТОО «ТуркестанВторМет» |
| 102 | 180140020092 | ТОО «Mega Cinema» |
| 103 | 180140030763 | ТОО «A2 BUSINESS» |
| 104 | 180240034958 | ТОО «ТУРКЕСТАН-2050» |
| 105 | 180640034338 | ТОО «СЕРІК-СК» |
| 106 | 180740007730 | ТОО «АЙСҰЛТАН ЖЕР» |
| 107 | 180840000826 | ТОО «SIS ASILJANN» |
| 108 | 180840009871 | ТОО «Элегантный стиль» |
| 109 | 180840019242 | Общественный благотворительный фонд «Халыққа көмек» |
| 110 | 180940030851 | ТОО «НеВа Логистик Импорт-Экспорт» |
| 111 | 181140004658 | ТОО «Султан-Шокпар» |
| 112 | 181240003841 | ОО «Федерация «Ушу Кунг-фу» по Туркестанской области |
| 113 | 190140001216 | Общественный фонд «Потомки Сүйіліш батыра» |
| 114 | 190240010645 | ТОО «ZAN CONSALTING GROUP» |
| 115 | 190340009982 | ТОО «У и Компания» |
| 116 | 190340015858 | ОО «Туркестанская областная федерация таеквондо /WT/ восточное единоборство» |
| 117 | 190440029148 | ТОО «ЕКІ-ДОС 2020» |
| 118 | 190540013086 | ТОО «ДУЛАТ балабақшасы» |
| 119 | 190540017267 | ТОО «Ломбард GOLD VIP» |
| 120 | 190640009120 | ТОО «АйНау» |
| 121 | 190740011275 | ТОО «AYSHA PHARM» |
| 122 | 190940030596 | Жилищно-строительный кооператив «Уют-1» |
| 123 | 200140026711 | ТОО «AICompany» |
| 124 | 200140031946 | ОО «13 аймақ» спортшылардың қоғамы» |
| 125 | 200340024554 | Общественный фонд «Түркістан Ағалық болашақ» |
| 126 | 200640008999 | ТОО «И-Маргулан» |
| 127 | 200640014746 | ТОО «ХимСтеклоСервис» |
| 128 | 200640016287 | ОО «Федерация спортивного танца Туркестанской области» |
| 129 | 200840026915 | Общественный благотворительный фонд «Aibibi-Zere» |
| 130 | 200940020781 | ТОО «Chung Hyang (Чанг Хьянг)» |
| 131 | 200940034216 | ТОО «Dancho001» |
| 132 | 201140025578 | ТОО «ROZMETOV.D.U» |
| 133 | 201140026942 | ТОО «Береке smart school» |
| 134 | 201240018896 | ТОО «Yass construction» |
| 135 | 201240022349 | Общественный благотворительный фонд «TAIQAZAN» |
| 136 | 201240023595 | ТОО «ГН МЕД» |
| 137 | 201240025046 | ТОО «Биржулдыз» |
| 138 | 970140008267 | ОО «Добровольное общество пчеловодов-любителей Туркестанской области» |
| 139 | 120140005800 | ОО «Туркестанское областное по защите прав потребителей и по поддержке частного предпринимательства» |
| 140 | 180340007062 | Объединение индивидуальных предпринимателей и юридических лиц «Ассоциация сельскохозяйственных кооперативов и товаропроизводителей Туркестанский области» |
| 141 | 180740014525 | ОО «Туркестанская областная федерация Таеквондо (WT)» |
| 142 | 160740002489 | ТОО «ASI-TURKESTAN» |
| 143 | 200140028054 | ТОО «GREEN KERUEN» |
| 144 | 130840012127 | ГУ «Отдел сельского хозяйства и земельных отношении» акимата г. Туркестан |
| 145 | 960740015488 | Полное товарищество «Ергешова и компания» |
| 146 | 041040008024 | ТОО « Адал-Ансар» |
| 147 | 20340025077 | ТОО «BEKZAT service groupp» |
| 148 | 200540006870 | ТОО «BerekeКурылысСервис» |
| 149 | 160140021886 | ТОО «GENERAL KAZ CONSTRUCTION» |
| 150 | 180640015113 | ТОО «LST YAZILIM ELEKTRONIK VE ILETISIM SALIK TICARET LIMITED SIRKETI (ЛСТ ЙАЗЫЛЫМ ЭЛЕКТРОНИК ВЕ ИЛЕТИШИМ САЛЫК ТИДЖАРЕТ ЛИМИТЕД ШИРКЕТИ)» |
| 151 | 100940003364 | ТОО «M.S. Transport and Construction» |
| 152 | 040740013886 | ТОО «Абад-7» |
| 153 | 200240003716 | ТОО «Баракат-жан» |
| 154 | 010640006478 | ТОО «ДАНАТ ЛТД» |
| 155 | 080240005458 | ТОО «ЕКО-РАЙФ» |
| 156 | 161140030554 | ТОО «Ломбард Табыс-KZ» |
| 157 | 171040016011 | ТОО «Ломбард Янтарь» |
| 158 | 050640022030 | ТОО «МАК ҚҰРЫЛЫС 2005» |
| 159 | 180840027055 | ТОО «МИИФ «Life» Международный Инновационно Инвестиционно Фонд «Life» |
| 160 | 201241003754 | ТОО «Научно-образовательный центр «Qazyna». Филиал по Туркестанской области |
| 161 | 160940005916 | ТОО «Нур Азия Фарм» |
| 162 | 150440016139 | ТОО «Сенім-Пласт» |
| 163 | 160240025856 | Айнур-GROUP» ТОО |
| 164 | 020840003715 | «АКИФ» ТОО |

**Түркістан қаласы бойынша Мемлекеттік кірістер басқармасы.**

Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

# ЎҚИГАН ЎЗАДИ

## ЁКИ АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН АЖОЙИБ РАҒБАТ

**Янги Иқон қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, 55 нусха "Жанубий Қозоғистон" обунасини шахсан ўзи ташкил этаётган фаол обуначимиз Ўсар Неъматуллаев ҳамроҳлигида "Янги Иқон" умумтаълим мактабига ташриф буюрдик.**




Саврон тумани маслаҳати депутати, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, тадбиркор Дилмуҳаммад Ирисбоев барпо этган кўп қаватли, 50 нафар тажрибали устоз 500 ўқувчига таълим-тарбия бераётган муҳташам умумтаълим ўрта мактаби директори, жамоатчи обуначимиз Дилноза Рустамали қизи Тошкент шаҳри ҳамда Шимкент шаҳрида таҳсил олган олий маълумотли, тажрибали устоз.




Суҳбат жараёнида директор Дилноза Мўминова ўқувчиларнинг яхши ўқиши учун мактабда барча шароит яратилгани, устозлар ва аълочи ўқувчилар муассис-бунёдкор Дилмуҳаммад Ирисбоев томонидан мунтазам рағбатлантирилаётганини фахр ила таъкидлади. Ҳар чоракда фаолиятида яхши натижа кўрсатган тажрибали муаллимларга 20 мингдан 80 минг тенгегача мукофот пули берилади. Аълочи ўқувчилар учун Туркистон, Шимкент, Тошкент, Самарқанд, Алмати шаҳарларига ўқитувчилари билан бепул саёҳат уюштирилади. Ўтган ўқув йилида мактабни тамомлаган 9 нафар аълочи битирувчининг 6 нафари давлат гранти асосида олий ўқув юртларида бепул таҳсил олаётгани фикримизнинг далилидир.

Жорий ўқув йилида мактабни 22 ўқувчи тамомлайди, уларнинг 16 нафари ўқишдаги аъло кўрсаткичлари билан устозларини хушнуд этмоқда. Муассис-бунёдкор, маърифатпарвар ҳомий Дилмуҳаммад Ирисбоевнинг ҳиммати ила ЯМТ имтиҳонлари якунига кўра, 110 балл тўплаган, олий ўқув юртига бепул ўқиш учун давлат грантига сазовор бўлган ҳар бир пешқадам битирувчига қимматбаҳо "Айфон" совға қилинади. Бу – кўпчиликка ибратли рағбат.

Мактаб биносини оралаб, мажлислар залига қадам қўйдик. Ўқитувчилар Акажон Иззатуллаев, Дилфуза Акбардинова, Мухсина Муслимбековалар ташкилотчилигида ўзбек тили ҳафталиги қизғин давом этаётган экан. Янгиликларга бой Янги Иқон қишлоғидаги 70 нафар обуначиларимиз меҳнат қилиб, ёш авлодга сабоқ бераётган "Янги Иқон" мактабидан ажойиб ижобий таассуротлар билан қайтдик.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** директор Дилноза Мўминова; ўзбек тили ҳафталиги иштирокчилари.

**Муаллиф суратга олган.**

# ҲУСНИХАТИМИЗ БИЗ ҲАҚИМИЗДА НИМА ДЕЙДИ

**Жамият олдида турган долзарб вазифалардан бири – Ватанимизнинг келажагини яратувчи ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар сифатида тарбиялашдир. Гўзал таълим-тарбия боланинг камол топиши, шаклланишини таъминлайди, мутолаага ошно қилади фикрлаш қобилиятини оширади.**



Ёзув малакалари 6-9 ёшли болалар учун ўқитувчи томонидан бевосита кузатиб боришни талаб этадиган оғир жараёндир. Худди шу даврда ўқувчининг ҳуснихати шаклланади ва у муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуснихат қоидаларини қисқа ва тушунарли қилиб баён этиш лозим. Шундагина ўқувчилар уни тўлиқ ўзлаштиришлари мумкин.

Биринчи синфда дастлаб тўғри ўтириш, ручкани тўғри ушлаш, дафтарни тўғри ҳолатда қўйиш каби талаблар асосида сўзлар, ҳарфларнинг шакли ва тўғри ифодалаш, сўзларда ҳарфлар орасидаги масофанинг бир хиллилиги ва қияликни тўғри сақлаш қоидалари келиб чиқади.

Иккинчи синфдан бошлаб ҳуснихат малакасига ўргатишда кичик ва бош ҳарфларни бир хил баландликка ёзиш: ҳарф ва 4-5 ҳарфдан иборат сўзларни қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ҳамда тез ва тоза ёзиш қоидалари ўргатилади.

Учинчи синфдан бошлаб эса бу қоидаларга қўшимча тез ва тоза ёзиш қоидалари киритилади. Ёзма нутқ – оғзаки нутқ асосида ривожланади. У мураккаб жараён бўлиб, ҳарфлар ва белгилар ёрдамида ҳарфлар, сўзлар, гапларни кўз билан идрок қилиш, қўл билан ёзишга мўлжалланган нутқдир.

Мактаб дастурини тўлиқ эгаллашда боланинг ёзма нутқи тўлиқ шаклланган бўлиши керак. Яхши ёза олмайдиган ўқувчиларнинг ҳар бири бажарган машқларни ўқитувчи кузатиб ва текшириб бориш зарур.

**Насиба ҚОРАЕВА,**
**Туроб Тўла номли умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.**
**Сурат интернетдан олинди.**

Қазиғурт тумани.

# БИР ОЙДА БЕШ МИНГ ЙЎЛОВЧИ

**"Wizz Air" ҳаво транспорти компанияси жорий йил "Туркистон – Абу-Даби" йўналиши доирасида 16 январь - 15 февраль оралиғида жами 28та парвозни амалга оширган.**

Бир ойда икки йўналиш бўйича 5 299 йўловчи чипта харид қилган. Бир тайёранинг йўловчи сиғими – 240 одам. "Абу-Даби – Туркистон" йўналишида 14 парвоз амалга оширилиб, 2 353 йўловчига хизмат кўрсатилган. Қолган 14 рейсдаги 2 946 йўловчи Туркистондан Абу-Дабига учган.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

Заковатли миллат

# ДУНЁ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ШИМКЕНТ ЁШЛАРИГА МУНТАЗИР

**Мамлакатимизнинг учинчи мегаполисида истиқомат қиладиган ҳамда айни пайтда Дулати номидаги 8-мактаб-гимназиясининг 11-синфида ўқиётган, дунёдаги энг нуфузли 8та олий таълим масканларидан таклифнома олган Алексей Кимнинг ютуқлари нафақат шимкентликлар, балки изланувчан, қалби илмга ошуфта қозоғистонликларнинг қувончига қувонч қўшди.**



Алексейдан мусоҳаба олиш ниятида уни таҳририятимизга таклиф қилдик.

**– Алексей, нуфузли 8 университет сизнинг ўқувчилик чоғингиздаёқ талабаликка таклиф қилишаётганидан хурсандмиз. Бу натижаларга қандай эришдингиз?**

– Яқинларимнинг маънавий, моддий кўмаги менга катта ёрдам берди, қанот бағишлади. Фурсати келганда бу ишда менга бош-қош бўлган барча устозларим, шу жумладан, синф раҳбарим Елена Павленко, математика ўқитувчим Марина Макроусова, биология муаллимам Юлия Антоновна, мактаб директори Айнур Сахова, директор ўринбосари Кунсулу Қидирбаева ва барча устозларимга катта раҳмат.

Алексейни АҚШдаги 4та ОТМ – Stony Brook University (New-York), Baruch College (New-York), City College of New-York (New-York), Brooklyn College (New-York), Канададаги 3та илм даргоҳи – Seneca College (Toronto), University of Winnipeg (Winnipeg), Thompson Rivers University (Kamloops) ҳамда Буюкбританиядаги University of South Wales (Cardiff) таниқли олийгоҳларидан талабаликка таклиф қилишди.

Айни кунда суҳбатдошимнинг айтишича, у танлов қилиб улгурган. Ўқувчи Stony Brook University (New-York)да таҳсил олади. У IT соҳасини танлади.

Мактабни тугатмай жаҳондаги энг яхши университетлари сафига кирадиган ОТМ талабаси бўлиб улгурган 11-синф ўқувчиси олдида "аъло" баҳоларга мактабни тамомлаш ва янги ўқув йилига – талабалик ҳаётига ҳам маънан, ҳам руҳан тайёрланиш масаласи турибди. Алексейга муваффақиятлар тиларканмиз, у сингари изланувчан, шижоатли ёшларимиз кўпайишига тилакдошмиз.

**М. САЪДУЛЛАЕВА**
**суҳбатлашди.**

# ЁШЛАР ИЛМПАРВАР БЎЛСИН, ДЕСАК...

**Мамлакатимизнинг учинчи мегаполисида синтетик гиёҳванд моддаларга қарши кураш йилдан йилга кучайтирилмоқда. Бироқ самараси сезилмаяпти, уларни ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани кузатилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўтказаётган тадбирлар денгиздан бир томчи, холос.**

Шаҳримизга келтирилаётган синтетик моддалар қанчадан қанча фарзандларнинг ёстиғини қуритаётгани, ота-оналарни ташвиш домига тортиб, кунларини беҳаловат қилаётгани афсуски, одатий ҳолга айланди. Ва бундай ҳолатлар кўп ва ҳар бир оиланинг ички оғриғи, дил ярасига айланиб улгурди. Полиция хизматининг тарқатаётган маълумотларига кўра, наркодастёрларнинг хизмат устида қўлга туширилгани тўғрисидаги хабарларга деярли ҳар ҳафта кўзимиз тушиб қолади. Қизиғи шундаки, уларнинг аксарияти ёшлар, талабалар бўлиб, саноқли ойлар бу йўналишда фаолият юритиб, сўнг бу ишни тарк этиш ниятида эканликларини айтишади. Бироқ, ўша вақт мобайнида улар қанчадан қанча йигит-қизларимизнинг олий мақсадлари сари болта уришда бевосита иштирок этишаётганларини ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўришмайди.

Куни кеча полиция ходимлари Қоратов туманида 2 нафар гиёҳванд модда тарқатувчи қизни қўлга олишди. Қизлар уларни белгиланган жойларга яшириб, мижозларига маълум қилишлари жоиз эди. Энди, полиция ходимлари томонидан қўлга олинган қизлар бетакрор ёшлик даврини темир панжара ортида ўтказишга маҳкум. Қонунга кўра, улар 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этилишади. Ёшларку ёшлигига борибди. Афсуски, нафақа ёшига келиб қолган ҳамюртимиз ҳам гиёҳванд моддаларнинг йирик партияси билан қўлга олинганлиги қайд этилган. У аввал ҳам бундай қабиҳ ишлари учун судланган, 60 ёш остонасидаги эркакни тинтув қилган пайтда ундан 1 кг. марихуана борлиги аниқланди.

Жами Шимкентда ўтказилган 5 кунлик тезкор-профилактика тадбири мобайнида 18та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олди олинди, 506та гиёҳванд моддаларни тарғибот қилиш ҳолатлари бартараф этилди.

Истеъдодли ёшларимиз ривожланаётган давлатлар қаторида китобхон, спортга қизиқувчан, илмпарвар мамлакатлар ўртасида илғор бўлишига ҳам ҳар биримиз ҳисса қўшайлик.

**М. САЪДУЛЛАЕВА.**

# ТУХУМ ҚУТИЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

**Сариоғоч туманидаги Қуркелес овулида тадбиркор К. Лайбекова «Қишлоқ омонати» лойиҳаси доирасида тухум қутилари цехини очиб, ҳамқишлоқларини доимий иш билан таъминламоқда.**



Мазкур цех тухум қутилари «Сарыағаш-Құс» МЧБ, «Бесқара» МЧБ, «Шымкент-Құс» МЧБ, «Яссы-Құс» МЧБ ҳамда «Тассай-Құс» МЧБга мақбул келмоқда.

Цех ўз фаолиятини 2021 йилда бошлаб, бугунги кунда 16 нафар кишини доимий иш билан таъминлаб, кунига 35 минг дона қути ишлаб чиқармоқда.

**Сариоғоч тумани ҳокимининг матбуот хизмати.**

# САВРОНЛИКЛАР ИСТЕЪДОДЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

"Туркистон истеъдодлари" лойиҳаси бошлангандан буён вилоят марказида, сўнг туман, шаҳарларда ижодкорлар кечаси ўтказилиб, мухлислар эътибор ва эътирофига муяссар бўлишмоқда. Тарбиявий аҳамиятга молик лойиҳа Саврон туманида давом этди. Тадбирда туман фахри, оқин Сайлаухан Жўланов ҳамда таниқли ёш оқин Муқағали Кенжетайули билан учрашув ўтди. Тадбирни журналист Бауржан Ерман олиб борди.

Тадбирда ижодкорларга туман "AMANAT" партиясининг ташаккурномалари топширилиб, эҳтиром кўрсатилди.

**Вилоят маданият ва сайёҳлик бошқармасининг матбуот хизмати.**

**Астана шаҳрида 18-22 февраль кунлари белбоғли курашдан республика чемпионати ўтди.**

# ТЕРМА ЖАМОА – ҒОЛИБ!

Мусобақада энг кучлилар иштирок этишди. Кураш натижаларига кўра, Туркистон вилояти терма жамоаси жамоавий ҳисобда 1-ўринни ва 7та олтин, 3та кумуш ва 5та бронза медални қўлга киритди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда ўтадиган Халқаро кўчманчилар ўйинларида моҳирлиги билан кўзга ташлан қатор ҳамюртларимиз мамлакат шарафини ҳимоя қилади.

# ТИКУВЧИЛИК УСТАХОНАСИНИ ОЧДИ

Сайрам туманига қарашли Қорасув қишлоғида истиқомат қилувчи Қасиет Мамбетали шинамгина хонани тикувчилик устахонасига айлантирди. Касбини ривожлантириш мақсадида давлатдан 1 млн. 380 минг тенге грант олиб, зарур ускуналарни харид қилди.

Ўтган йили туманда 130га яқин фуқаро қайтаримсиз грант олган. Уларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш марказларини очиб, паррандачиликни йўлга қўйишган.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

Директор – Бош муҳаррир Раймжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазиғурт – Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 12500 нусха.
Буюртма: 494.
Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.